

## ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАННИ ОИЛАГА ТАРБИЯ (ПАТРОНАТ)ГА БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

*“Васийлик ва ҳомийлик органи фаолиятида ота-она қарамогисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари юзасидан ишларни юритиш” номли услубий қўлланмадан қисқартма. Муаллифлар: Сабинова Д.Г, Раҳимова Р.И., Умарбекова Ю.А. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2015 йил*

### 1. Болани оиллага тарбияга беришда амал қилувчи муҳим норматив-ҳужжатлар

Ота-она қарамогисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ҳаётини ташкил этиш, жумладан, оиллага жойлаштиришнинг муқобил шакллари билан таъминлаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелидаги 171-сонли Қарорига 3-илоvasи «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиллага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги Низомига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур Низом иккита бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда «Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш» масаласи, иккинчи бўлимда эса «Болаларни оиллага тарбияга олиш (патронат)»га боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар белгиланади. «Болаларни оиллага тарбияга олиш (патронат)» бўлимида:

- умумий қоидалар;
- оиллага тарбияга бериладиган болалар ва тутинган ота-оналарни ҳисобга олиш;
- болаларни оиллага тарбияга олиш тўғрисидаги шартнома;
- тарбияга берилган болаларнинг моддий таъминоти;
- болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг бекор қилиниши;
- оиллага тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари;
- тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январидagi 33-сонли «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларда мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида Қарор қабул қилган. Ушбу қарор 2002 йил 18 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1189-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Бу ҳуқуқий-норматив ҳужжат тарбиялаш учун оилаларга бериладиган етим болаларни моддий ва молиявий жиҳатдан таъминланиши масаласини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Бунда моддий таъминлаш тартиби, масъул орган ва шахслар, моддий таъминот миқдори ва ҳажми (кийим-кечак меъёри, нафақа ҳажми), масъул орган ва вазирликларнинг ўзаро ҳамкорликлари доирасидаги фаолияти қайд этилган. Низомга мувофиқ 3 та илова ишлаб чиқилган, улар:

1-илова. Оиллага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал олиш учун буюртма;

2-илова. Оиллага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал бериш нормаси ва рўйхати;

3-илова. Оилага тарбияга олинган бола учун 20\_\_йилда сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҳисобот<sup>1</sup>.

Мазкур Иловалар болани патронат оилага бериш жараёнини ташкил этиш, бола ва тутинган ота-онани молиявий, моддий таъминлаш чора-тадбирларини тизимга солиб туради. Жумладан,

- тутинган ота-оналарга ўз тарбиясига олган ҳар бир бола учун ҳар ойлик нафақа тўланиши;
- болаларнинг кийим-бош ва пойабзал билан таъминланиши патронат оилаларда тарбияланувчиларнинг молиявий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 11.02.2019 йилдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра эндиликда тутинган (патронат) оилада тарбияланаётган ҳар бир бола учун 820 000 сўм миқдорида ижтимоий нафақа таъминланади.

## **2. Болани тутинган оилага бериш механизми**

Васийлик ва ҳомийлик органининг болаларни оилага тарбия (патронат)га бериш билан боғлиқ фаолиятларини шартли равишда қуйидагича кетма-кетликка эга бўлган босқичларга ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

### **1. Хужжатларни расмийлаштириш.**

#### **1.1. Болани рўйхатга олиш.**

а) орган назоратчисининг ота-она қарамоғисиз қолган бола ҳақидаги хабарни олган кунидан бошлаб, бола ва унинг ота-онаси ҳақида маълумотлар тўплаши;

б) боланинг яшаш шароитини ўрганиши (текширув далолатномаси асосида);

в) болани жойлаштириш шакллари белгилаш мақсадида мавжуд ресурсларни ўрганиш, яъни қариндошларининг мавжудлиги ва уларнинг бола тарбияси билан шуғуллана олиш қобилиятларига эгаллиги ҳақида маълумотлар тўплаши лозим.

**1.2. Тутинган ота-онани белгилаш.** Шу ўринда таъкидлаш лозимки, орган назоратчилари мазкур босқичда иш фаолиятларини “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида”ги Низомнинг “Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат)” тўғрисидаги 2-бўлимида қайд этилган кўрсатмаларга риоя қилиш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 августидаги 179-сонли “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарори иловаси кўрсатмалари асосида ҳам амалга оширадilar, булар:

а) қариндошларининг бола тарбияси билан шуғуллана олиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда уларнинг яшаш ва хўжалик юритиш шароитини ўрганиш (текширув далолатномаси асосида). Бунда қўшниларнинг, маҳалланинг мазкур шахс ҳақидаги фикри ҳам инобатга олинади;

---

<sup>1</sup> Низом ҳамда Иловаларга ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2015 йил 25 сентябрдаги 21-мх, 84-сонли қарори (рўйхат рақами 1189-1, 14.10.2015 й.) таҳрири билан киритилган

б) оилага тарбия (патронат)га олиш истагини билдирган шахсга қонунда тутинган ота-оналарга нисбатан қўйиладиган талаблар, тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва бурчлари, оилага тарбия (патронат)га расмийлаштиришнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида батафсил маълумот бериш;

в) ота-она қарамоғисиз қолган болани тарбияга олиш истагини билдирган шахсга болани оилага тарбия (патронат)га расмийлаштириш тартиби ва зарур бўлган ҳужжатлар ҳақида маълумот бериш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 августидаги 179-сонли “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (оилага тарбия (патронат)га) тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарорига биноан болани (болаларни) оилага тарбия (патронат)га олишни хоҳловчи шахслар ўз яшаш жойларидаги васийлик ва ҳомийлик органига тутинган ота-оналар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги илтимос билдирилган аризани берадилар. Аризага тегишли ҳужжатлар илова қилиниши керак;

г) керакли тиббий муассасаларига йўлланма бериш (бола ва болани тарбияга олишни истовчи шахс учун алоҳида);

д) ички ишлар органи ҳамда бошқа тегишли органларга аниқлаштирувчи маълумотномалар олиш учун мурожаат этиш;

е) оиланинг турмуш шароитларини ўрганиш. Васийлик ва ҳомийлик органи ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида оиланинг турмуш шароитларини, болаларни тарбияга олишни истаганларнинг моддий таъминланганлик ҳолатини текширади, текшириш далолатномасини тузади ва текшириш далолатномаси асосида уларни ҳисобга қўяди. Ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчилар эътиборига қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун муддатда етказилади. Ҳисобга қўйиш рад этилган тақдирда ариза берувчига барча ҳужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади;

ё) болани оилага тарбия (патронат)га бериш жараёнида зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш. Барча керакли ҳужжатлар тайёрланганидан сўнг мурожаат этган шахс боланинг оилага тарбия (патронат)га берилишини сўраб ариза ёзади. Орган ходими номзод томонидан тақдим этилаётган ҳужжатлар йиғма жилдини изчил тарзда ўрганиб чиқади.

Тўпланган маълумотлар асосида ижобий хулосага келиниши учун етарли фактларга эга бўлган тақдирда орган ходими номзод билан чуқурлаштирилган суҳбат ўтказади. Мазкур суҳбатни уюштиришдан асосий мақсад ушбу шахснинг муомалага лаёқатлилиги, оилавий ҳаёт тажрибаси (болалик даври, шахсий турмуши) хусусиятини, болани тарбиялашга нисбатан педагогик ва психологик ёндашув ҳақидаги билим ва тажрибасини ўрганишдан иборатдир. Суҳбат давомида унинг ижтимоий келиб чиқиши ҳақида маълумотлар ҳам олинади.

Номзоднинг бола тарбияси билан шуғуллана олиши борасида ишонч ҳосил қилган васийлик ва ҳомийлик органи назоратчиси хулоса тайёрлайди. Барча ҳужжатлар ва назоратчининг берган хулосаси туман халқ таълими бўлими мудирини томонидан кўриб чиқилади.

Умумий хулосага келинган мазкур ҳуқуқий-норматив ҳужжатнинг 2-бўлим 3-қисми 8- ва 9-бандига биноан васийлик ва ҳомийлик органи билан тутинган ота-она ўртасида болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги шартнома тузилади. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги шартномада оилага тарбия (патронат)га тарбия муҳлати, тутинган ота-она тўғрисида маълумотлар (яшаш жойи, паспорти, оилавий шароити),

болани таъминлаш шароитлари, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тутинган ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг тутинган оилага нисбатан мажбуриятлари, шунингдек, бундай шартномани бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак. Мазкур икки томонлама шартнома ХТБ мудирининг томонидан тасдиқланади. Ушбу шартнома 1 йилга тузилади. Кейинги йил учун тузиладиган шартнома жорий йилнинг 15 декабрига қадар янгиланади.

## **2. Тарбияга бериш.**

### **2.1. Иқтисодий-моддий таъминотни белгилаш.**

Шартномага тутинган ота-оналар томонидан тақдим этилган оилага тарбияга олинган болани жорий йил учун зарур бўлган кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш мақсадидаги буюртмаси илова қилинади. Кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш ҳақидаги мурожаат акс этган буюртма васийлик ва ҳомийлик органи томонидан бола оилага тарбияга олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида, кейинги йил учун эса, жорий йилнинг 15 декабригача қабул қилинади.

Буюртмада боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, жинси, “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-илоvasида келтирилган норма ва рўйхатга асосан келгуси мавсумларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган барча кийим-бош ва пойабзал (уларнинг тури (номи), сони, ўлчами) ва уларнинг бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда ўртача нархи тўлиқ кўрсатилади.

“Кийим-бош ва пойабзал учун қилинадиган харажатлар миқдори халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тақдим этган буюртмага мувофиқ халқ таълими бошқармаларининг Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари билан келишилган ҳисоб-китоблари асосида белгиланади”<sup>2</sup>.

“Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари жорий йил учун тақдим этилган буюртмаларни қабул қилиб олган кундан бошлаб уч кун ичида, кейинги йил учун тақдим этилган буюртмаларни эса, жорий йилнинг 25 декабригача Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига топшириши лозим”<sup>3</sup>.

Шартнома нусхаси, буюртма илова қилинган ҳолда туман (шаҳар) ХТБ мудирининг номидан шаҳар<sup>4</sup> (вилоят) ХТБ (бўлими/бошқармаси) бошлиғи номига хат тайёрланади. Бу хатда шартнома тузилган кундан бошлаб бола учун йил давомида тўланилиши керак бўлган нафақа миқдори, кийим-кечак учун ажратилиши керак бўлган жами маблағ миқдори кўрсатилади (шартноманинг асл нусхаси васийлик ва ҳомийлик органида қолади).

Маълумотлар билан танишиб чиққан шаҳар (вилоят) ХТБ (бўлими/бошқармаси) бош иқтисодчиси шаҳар<sup>5</sup>(вилоят) ҳокимиятига Халқ таълими бош бошқармаси номидан болага (ёки шу ҳудуд бўйича патронатга берилиши бўйича шартнома ва буюртмалари тақдим

<sup>2</sup> “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-банди (2015 йилда узгаришлар киритилган янги таҳрирга қаранг)

<sup>3</sup> Шу Низомнинг 2-банди

<sup>4</sup> Тошкент шаҳри вазиятида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига, вилоятлар вазиятида эса вилоят ХТБ га, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига мурожаат этилади

<sup>5</sup> Тошкент шаҳри вазиятида шаҳар ҳокимлигига, вилоятларда эса вилоят ҳокимлигига мурожаат этилади

этилган жами болалар учун) маблағ ажратилишини сўраб хат билан мурожаат қилади. Хатга патронатга берилаётган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун ҳисоб-китоблар бўйича маълумот ҳамда ҳар бир болага ойлар кесимида ажратилиши лозим бўлган маблағ миқдори кўрсатилган маълумотли жадвал илова қилинади. Хатга асосан шаҳар (вилоят) ҳокимияти оилага тарбия (патронат)га берилган болалар учун маблағ ажратиш бўйича қарор чиқаради. Қарор кучга киргач шартнома тузилган кундан бошлаб болаларга нафақа пули тўланади ҳамда оилага тарбия (патронат)га олинган тарбияланувчи учун ҳар йили бир маротаба кийим-бош ва ҳар ойда белгиланган нафақанинг ажратилиши таъминланади.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, тутинган оилага тарбиялаш (патронат) учун берилган болаларга қонун ҳужжатларида ота-оналар қаровисиз қолган болалар учун назарда тутилган имтиёзлар (боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия, ота-онасидан алимент) татбиқ этилади.

**3. Ҳаёт тарзи ва тарбия жараёнини назорат қилиш.** Васийлик ва ҳомийлик органи назоратчиси оилага тарбия (патронат)га берилган боланинг ҳаёт тарзи ва тарбия жараёнини назорат қилишга ҳақлидир (Оила Кодекси, 200-модда).

Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитини ва тутинган ота-онанинг ўз мажбуриятларини қай даражада бажараётганликларини кузатиб боради, зарур ҳолларда бу мажбуриятларни бажаришда тутинган ота-онага тегишли ёрдам кўрсатади. Зарурат туғилганда бола манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли чораларни кўради. Васийлик ва ҳомийлик органлари тутинган ота-онанинг ўз мажбуриятларини қандай бажараётганлигини назорат қилишда васий ва ҳомийлар фаолиятини назорат қилишда қўлланадиган услублардан фойдаланадилар.

Васийлик ва ҳомийлик органи оилага тарбия (патронат)га берилган вояга етмаганнинг тарбияси ҳолати ва яшаш шароитларини, тутинган ота(она)нинг ўз мажбуриятларини бажарилиши, болага тегишли ҳамда бегоналаштирилишига нисбатан таъқиқ қўйилган уй-жойнинг сақланилиши ҳолатини ва бола ҳуқуқларининг амалга оширилиши устидан йилида камида 2 марта назоратни амалга оширади, оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини, уларнинг тарбияланишини кузатиб боради ва бу ҳақда тегишли маълумотномалар тузади.

Ўз навбатида тутинган ота(она) йилда бир маротаба васийлик ва ҳомийлик органига давлат томонидан улар тарбиясидаги вояга етмаган учун ҳар ой ажратиладиган нафақа пулининг сарфланилиши, тарълим-тарбиянинг амалга оширилиши ҳолати юзасидан ҳисобот ҳамда бошқа алоҳида бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҳисоботни тақдим этадилар. Сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҳисобот ҳар йилнинг 10 январига қадар “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ тайёрланиб ХТМФМТТЭ туман (шаҳар) бўлимларига топширилади.

“Бунда ҳисоботга кийим-бош ва пойабзални сотиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (касса чеки ёхуд товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжат) илова қилинади.

Ҳисоботлар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тасдиқланиб, тегишли халқ таълими бошқармаларига юборилади”<sup>6</sup>.

### **3. Болани оилага тарбия (патронат)га бериш қайси болалар учун қўлланилиши мумкин?**

Васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси унутмаслиги лозимки, ҳар қандай ижтимоий мавқедаги болаларни ҳам оилага тарбия (патронат)га берилишини расмийлаштириб бўлмайди. Бунда қўлланмамининг 1-бандида келтирилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилишлари лозим.

Ўрнатилган қонун нормаларига биноан оилага тарбия (патронат)га фақатгина етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар жойлаштирилиши мумкин.

Оилага тарбия (патронат)га қуйидаги болаларгина жойлаштирилиши мумкин:

- етим болалар;
- “ижтимоий етим”, яъни ота-она қарамоғисиз қолган болалар.

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар ижтимоий мавқеига эга болаларнинг ижтимоий вазияти қўлланмамининг 1.5-сонли “Етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ижтимоий мавқеини белгилаш бўйича йўриқнома” бандида изоҳи келтирилган. Бунда боланинг ижтимоий мавқеи албатта ота-онасининг ёки боланинг ижтимоий вазиятини акс эттирувчи тегишли ҳужжатлар (ота-онанинг ўлими, уларнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, муомала лаёқати чекланганлиги; боланинг топиб олинганлиги/ташлаб кетилганлиги, ота-онанинг воз кечгани, уларнинг жазони ўташ муассасаларида эканлиги ва ш.к.) билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Ота-оналарнинг меҳнат миграциясида эканлиги ёки оиланинг кам таъминланганлиги сабабли уларнинг фарзандларини патронатга жойлаштириб бўлмайди.

Аксарият ҳолатларда васийлик ва ҳомийлик органлари “етим ва ижтимоий етим мавқеидаги болани оилага тарбия (патронат)га бераётганда кимларни номзод шахслар сифатида назарда тутиш керак?” каби саволга аниқлик киритишда қийналадилар. Бунда албатта боланинг энг яхши манфаатларини кўзда тутган ҳолда ҳамда боланинг ўз ижтимоий муҳити (қариндошлари ва танишлари давраси)дан ажратилишини олдини олишга қаратилган ёндашув нуқтаи назардан қараганлари маъқул.

Ўзбекистон Республикаси бўйича оилага тарбия (патронат)га берилиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бундай оилаларда тарбияланаётган болаларнинг деярли 90 %и шу оиланинг жияни, невараси, яъни қариндоши ҳисобланади. Бу албатта қувонарли ҳолат. Чунки бу ҳолатда турли ҳаётий сабаблар туфайли ота-онаси меҳри ва ғамхўрлигидан бебахра қолган болалар ўз яқин қариндошлари эътибори остида бўладилар. Бу эса боланинг ўзи ўрганган оилавий муҳити, инсонларидан узоқлашмасдан, қариндошчилик муносабатларини давом эттиришига ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, боланинг шахсий мансублиги қўллаб-қувватланишини таъминлаш деганидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, боланинг яқин қариндоши (хола, тоға, амма, амаки, буви ва бува)ларга берилиши устувор аҳамиятга эга. Лекин бу бегона инсонларга беришга йўл қўйилмайди, дегани эмас. Боланинг ихтиёри ҳамда

<sup>6</sup> “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди

тарбияга олиш истагини билдирган ҳар қандай инсон болани оилага тарбия (патронат)га олиши мумкин.

“Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин, қуйидагилар бундан мустасно:

- суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахслар;
- суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган деб эътироф этилган шахслар;
- қонун билан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажармагани учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;
- ўз зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки уларни лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганликлари, шунингдек, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганликлари учун фарзандликка олиш суд томонидан бекор қилинган бўлса, илгари фарзандликка бола олган шахслар;
- қасддан содир этган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;
- соғлиғининг ёмонлиги туфайли бола тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар”<sup>7</sup>.

Васийлик ва ҳомийлик органи болани оилага тарбия (патронат)га бериш бўйича чораларни кўраётганда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки фарзандидан воз кечган ота-оналардан қонунда ўрнатилган тартибда алимент ундириш масалаларини ҳам кўриши лозим.

#### **4. Ота-она қарамоғисиз қолган вояга етмагани оилага тарбия (патронат)га бериш амалиётидан намуналар**

##### **1-Вазият.**

*Абдуллаев Рустам ва Абдуллаева Дилдораларнинг ўзаро никоҳларидан 2 нафар фарзанд бор: 1995 йил 2 январиди Абдуллаева Нигина, 2000 йил 5 сентябрида эса Абдуллаев Фарход тугилган. Оиладаги мунтазам келишмовчиликлар сабабли эр-хотин 1997 йилда қонуний равишда ажралишган. Болаларнинг отаси Фарход тугилгач оила билан умуман алоқасини узган. Маълум бўлишича, кейинчалик у соғлиги ҳолати бўйича “муомалага лаёқатсиз” деб топилган. Она – Абдуллаева Дилдора оғир бетобликдан сўнг 2009 йилда вафот этади. Шу вақтдан бошлаб вояга етмаганлар онанинг онаси – бувиси Соипова Офтобхон билан қоладилар.*

Соипова Офтобхон ва унинг набиралари Тошкент шаҳар Олмазор туманида яшашлари сабабли 2000 йилда Олмазор тумани васийлик ва ҳомийлик органига болаларни ўз қарамоғига олиш ҳақида мурожаат этади. Мазкур вазиятда қуйидаги **эътиборга молик ҳолатларни** ажратиш мумкин:

---

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелидаги 171-сонли Қарорига 3-илоvasи «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги Низоми, 2-бўлим, 4-банди.

- вояга етмаганларнинг отаси 10 йилдан бери болаларнинг тарбияси ва таъминотида иштирок этмаслиги билан бир қаторда у суд томонидан “муомалага лаёқатсиз” деб топилган;
- она вафот этган, бу вазиятда вояга етмаганлар ярим етимлар;
- вояга етмаганлар ва ўз қарамоғига олмоқчи бўлган буви бир манзил бўйича яшайдилар;
- вояга етмаганлар 10 ёшдан ошган;
- номзод бўлмиш бувининг эри вафот этган;
- бувининг даромади фақатгина унинг ёш бўйича оладиган нафақасидан иборат.

Ушбу вазиятда болани тарбияга олиш учун номзод, яъни буви набираларини оиладан узоқлашиб кетмаслигини истайди, бироқ набираларини тўлиқ таъминлаш учун унинг молиявий имконияти етарли эмас. Болаларнинг манфаатлари учун уларнинг ижтимоий мавқеларини инобатга олиб ҳамда уларнинг ўз оиласи даврасида тарбияланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида болаларни ўз қарамоғига олиш таклифини берган бувига вояга етмаганларни оилага тарбия (патронат)га олиш шаклини тавсия қилиш мумкин.

### **Ҳаракат режаси:**

**1.** Буви ўз яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига тутинган ота-оналар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги илтимос билдирилган аризасини беради.

**1.1.** Мазкур вазиятда номзоднинг аризасига қуйидаги ҳужжатлар жилди илова тарзида қабул қилинади:

- бувининг паспорти нусхаси (манзили ҳақидаги маълумот билан бирга);
- бувининг никоҳи тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- тутинган оналикка номзод бўлмиш бувининг турмуш ўртоғининг ўлимини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
- номзоднинг судланмаганлиги ёки қасддан жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида ЎзР ИИВнинг Ахборот Марказидан маълумотнома;
- яшаш жойидан оила аъзолари кўрсатилган ҳолда маълумотнома;
- буви нафақада бўлганлиги сабабли Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Олмазор тумани бўлимидан пенсия миқдори кўрсатилган маълумотнома;
- турар-жойи, яъни маҳалладан тавсифнома;
- уй китобидан нусха (рўйхатдан ўтган шахслар кўрсатилган ҳолда);
- ҳудудий Оилавий поликлиникадан соғлиғи тўғрисида ВКК хулосаси;
- руҳий асаб касалликлар диспансеридан маълумотнома;
- наркология диспансеридан маълумотнома;
- сил касалликларига қарши диспансердан маълумотнома;
- тери-таносил касалликлари диспансеридан маълумотнома “Д” рўйхатида турмаслиги ҳақида маълумотнома.

**2.** Болага тегишли ҳужжатлар жилдини тайёрлаш.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда йиғма жилд қуйидаги ҳужжатлардан иборат бўлиши лозим:

- оилага тарбияга берилаётган ҳар бир боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари, агарда улар 16 ёшдан ошган бўлса, уларнинг паспорти нусхалари ҳам талаб этилади;



- ҳар бир бола учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан берилган туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтаридан кўчирма;
- ҳар икки боланинг 10 ёшдан ошганлиги сабабли уларнинг бувисини қарамоғига тарбия (патронат)га олиши тўғрисидаги розилиги;
- вояга етмаганларнинг ҳақиқатан ҳам шу уйда, бувиси билан яшаши ҳамда болаларнинг ижтимоий вазияти, сабаблари кўрсатилган ҳолда турар-жойдан далолатнома;
- болаларни онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- болалар ота-онасининг никоҳи бекор бўлганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
- болаларнинг яшаши жойидан маълумотнома;
- уларнинг ҳар бирига ҳудудий Оилавий поликлиникадан алоҳида ТМК хулосаси;
- ҳар бир бола таҳсил оладиган таълим муассасасидан маълумотнома;
- болаларни отасининг “муомалага лаёқатсиз” деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори нусхаси.

**3.** Буви ва набираларнинг яшаш манзили бир бўлганлиги учун уй шароитини ўрганиш натижалари бўйича *далолатнома* битта тузилади. Унда тутинган оналикка номзод бўлмиш буви ва вояга етмаганларга тегишли барча зарур маълумотлар акс этиши лозим.

**4.** Вояга етмаганлар ва тутинган оналикка номзодга тегишли барча ҳужжатлар жилди йиғилгач, васийлик ва ҳомийлик органи вояга етмаганларни оилага тарбия (патронат)га бериш тўғрисида Хулосасини тайёрлайди. Хулосада болаларни оилага тарбияга бериш мумкинлигини тасдиқловчи барча асослар кўрсатилиши лозим.

**5.** Вояга етмаганларни оилага тарбияга олувчи номзод тутинган она ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи ўртасида шартнома тузилади. Шартномада ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида кўрсатилади. Шартнома вояга етмаганлар учун муайян жавобгарликни сақлаб қолувчи ҳар икки томон ўртасида тузилган бўлганлиги учун, шартнома битта ёки ундан ортиқ болалар юзасидан умумий тузилади.

***Вояга етмаганни оилага тарбияга (патронат) бериш юзасидан васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда тутинган ота ёки оналикка номзод ўртасида тузиладиган Шартнома намунаси***

<p><b>“ТАСДИҚЛАЙМАН”</b>  <b>Олмазор тумани ХТМФМТТЭ</b>  <b>бўлими мудири</b>  <b>_____ Ф.И.Ш.</b></p> <p>(муҳр, имзо)  <b>2013 йил “_____” _____</b></p>
<p><b>Вояга етмаганлар 1995 йил 2 январда туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрда туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлини оилага тарбияга (патронатга) бериш юзасидан тузилган</b></p>

## Ш А Р Т Н О М А

2013 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳар

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси “Оила” Кодексининг 22-бобидаги 194-200-моддаларига асосланган ҳолда, вояга етмаганлар **1995 йил 2 январидида туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрида туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлини** оилага тарбияга бериш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида икки томонлама ихтиёрий равишда **Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги ...-кўчаси, -уй, ...-хонадонда истиқомат қилувчи Соипова Офтобхон** ҳамда Олмазор ТХТБ қошидаги вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонларидан тузилди. Болани оилага тарбияга олиш ва назорат қилиш икки томонлама мажбурият билан белгиланади.

**Тарбияга олувчи Соипова Офтобхон ўз зиммасига қуйидагиларни олади:**

1. Вояга етмаган **1995 йил 2 январидида туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрида туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғли** билан бирга яшаш.
2. Қарамоғидаги болаларни – **1995 йил 2 январидида туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрида туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлини** тарбиялаш, таъминлаш, саломатлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, шунингдек, боланинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.
3. Вояга етмаган **1995 йил 2 январидида туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрда туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлига** тегишли мол-мулкнинг сақланилишини таъминлаш.
4. Боланинг турар-жойи ўзгарганлиги тўғрисида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимини хабардор қилиш;
5. Тарбиясидаги боланинг қонуний вакили бўлиш ва унинг номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган барча битимларни вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг розилиги билан тузиш.
6. Вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимига вояга етмаган **1995 йил 2 январда туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрда туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлининг** тарбияси билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни бажарилиши ҳақида бир йиллик ҳисоботни бериб туриш.
7. Ҳар йилнинг 10 январига қадар вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимига вояга етмаган **1995 йил 2 январда туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрда туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлига** сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича бир йиллик ҳисоботни бериб бориш.

**Тарбияга олувчи Соипова Офтобхон қуйидагиларга:**

1. Ўз тарбиясидаги вояга етмаганлар **1995 йил 2 январидида туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрида туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлининг** фикри ва манфаати, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда болани тарбиялаш усулларини мустақил равишда белгилаш.
2. Тарбиясидаги **1995 йил 2 январидида туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрда туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлининг** қонуний асослар

бўлмасдан туриб, ўз қарамоғида сақлаб турган ҳар қандай шахслардан, шу жумладан боланинг яқин қариндошларидан суд тартибида қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

**Вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади.**

1. Вояга етмаган **1995 йил 2 январда туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябрда туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлини** йилда бир марта кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш.
2. Қонун билан белгиланган миқдорда (820 000 сўм) ҳар ойнинг 10 кунига қадар нафақа тўлаш.
3. Боланинг турмуш шароитларини ва тарбиясини назорат қилиб бориш.
4. Тутинган ота-она ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш.

Олмазор ТХТБ қошидаги вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими тарбияга олувчи **Соипова Офтобхон** ўз зиммасига қонун билан юкланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганида тарбиячининг мажбуриятларини бажаришдан четлатиш ва керак бўлган ҳолларда жавобгарликка тортиш **ҳуқуқига эгадир.**

Ушбу шартнома **бир йил** муддатга тузилди.

Олмазор ТХТБ  
Васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси

\_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2013 йил

Манзили: Тошкент шаҳар  
Олмазор тумани  
Ниёзов кўчаси, 19-уй

Тарбияга олувчи шахс:

\_\_\_\_\_ Офтобхон Соипова  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2013 йил

Яшаш манзили: Тошкент шаҳар,  
Олмазор тумани, ... кўчаси,  
...-уй, ...-хонадон

**6.** Васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси шартномада кўрсатилганидек, ўз мажбуриятлари қаторида “йилда бир марта кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш” мажбуриятини олади. Бунинг учун тутинган ота(она) ХТБга “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг “Оилага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал олиш учун Буюртма” 1-иловасида келтирилган қуйидаги буюртмани беради. Васийлик ва ҳомийлик органи мазкур буюртмани шартномага илова қилади. Буюртмада Низомнинг 2-иловасида келтирилган рўйхат ва норма асосида кийим-бош ва пойабзал турлари, уларнинг ўлчами ҳамда шу давр учун уларнинг бозордаги ўртача нархи қиймати кўрсатилиши лозим. Буюртма ТХТБ мудир, васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси имзолари ва таълим бўлими муҳри, тутинган ота(она) имзоси билан тасдиқланади. Буюртмада албатта томонлар манзили, тутинган ота(она) номига очилган банкдаги ҳисобварақ рақами кўрсатилиши лозим.

Буюртмадаги кийим-кечаклар рўйхати Низомнинг 2-иловасида келтирилган рўйхат ва норма бўйича берилганлигига эътибор қаратиш лозим. Норма бўйича баъзи кийимлар

хар йили эмас, 2 йилда бир мартаба буюртма қилиниши мумкинлигини унутмаслик лозим.

**Оилага тарбия (патронат)га берилган болалар учун Халқ таълими  
бошқармасига бериладиган буюртма намунаси**

<b>Оилага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал олиш учун БУЮРТМА</b>						
<b>Боланинг фамилияси: Абдуллаева</b>						
<b>Исми: Нигина</b>						
<b>Шарифи: Рустамовна</b>						
<b>Ёши: 17</b>						
<b>Жинси: қиз бола</b>						
Т\Р	Кийим-бош ва пойабзалнинг номи	Сони (дона, жуфт, комплект)	Кийим-бош ва пойабзалнинг ўлчами	Кийим-бош ва пойабзалнинг ўртача нархи		
1.						
2.						
3.						
<table style="width: 100%;"><tr><td style="width: 50%; vertical-align: top;"><p><b>ХТБ мудир:</b> _____ Ф.И.Ш. <i>имзо, муҳр</i> <b>ХТБ</b> <b>Васийлик ва ҳомийлик органи</b> <b>мутахассиси:</b> _____ Ф.И.Ш. <i>имзо</i>  20__ йил “__” _____ Манзил: _____ _____ _____</p></td><td style="width: 50%; vertical-align: top;"><p><b>Тутинган она:</b> _____ О.Соипова _____ <i>имзо</i> 20__ йил «__» _____ Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, ... кўчаси, ...-уй, ...-хонадон Банк номи: _____ Ҳисобварақ рақами: _____ _____</p></td></tr></table>					<p><b>ХТБ мудир:</b> _____ Ф.И.Ш. <i>имзо, муҳр</i> <b>ХТБ</b> <b>Васийлик ва ҳомийлик органи</b> <b>мутахассиси:</b> _____ Ф.И.Ш. <i>имзо</i>  20__ йил “__” _____ Манзил: _____ _____ _____</p>	<p><b>Тутинган она:</b> _____ О.Соипова _____ <i>имзо</i> 20__ йил «__» _____ Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, ... кўчаси, ...-уй, ...-хонадон Банк номи: _____ Ҳисобварақ рақами: _____ _____</p>
<p><b>ХТБ мудир:</b> _____ Ф.И.Ш. <i>имзо, муҳр</i> <b>ХТБ</b> <b>Васийлик ва ҳомийлик органи</b> <b>мутахассиси:</b> _____ Ф.И.Ш. <i>имзо</i>  20__ йил “__” _____ Манзил: _____ _____ _____</p>	<p><b>Тутинган она:</b> _____ О.Соипова _____ <i>имзо</i> 20__ йил «__» _____ Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, ... кўчаси, ...-уй, ...-хонадон Банк номи: _____ Ҳисобварақ рақами: _____ _____</p>					

7. Васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси “Оилага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал олиш учун буюртма” илова қилинган хат билан шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғига мурожаат этади. Мурожаатда вояга етмаганлар учун кийим-бош ва пойабзал ҳамда нафақа учун пул маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилиши сўралади.

**Оилага тарбияга (патронат) берилган болалар учун Халқ таълими  
бошқармасига бериладиган буюртма илова қилинган мурожаат хати намунаси**

Тошкент шаҳар халқ таълими  
Бош бошқармаси бошлиғи Ф.И.Ш.га

**Хурматли ИШ!**

Олмазор туман ХТМФМТТЭ бўлими Ўзбекистон Республикаси президентининг 11.02.2019 йилдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра тутинган (патронат) оилада тарбияланаётган ҳар бир бола учун 820 000 сўм миқдоридан ижтимоий нафақа таъминланишини инобатга олиб Сиздан Олмазор тумани ... кўчасидаги ...-уй, ...-хонадонда истиқомат қилувчи Офтобхон Соипова оиласига тарбия (ПАТРОНАТ)га берилган вояга етмаганлар **1995 йил 2 январидан туғилган Абдуллаева Нигина Рустамовна ва 2000 йил 5 сентябридан туғилган Абдуллаев Фарход Рустам ўғлига** 2012 йилга қонун билан белгиланган кийим-бош ва пойабзал ҳамда ижтимоий нафақа учун пул маблағи ажратилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайди.

**Туман ХТМФМТТЭ**

**бўлими мудир:**

/муҳр, имзо/

**Ф.И.Ш.**

**Васийлик ва ҳомийлик**

**органи мутахассиси:**

/имзо/

**Ф.И.Ш.**

**18.** Васийлик ва ҳомийлик органи болани оилага тарбия (патронат)га олиш истагини билдирган Тиллаева Дилафруз билан бир йиллик *шартномани* тузиб расмийлаштиради. Боланинг яқинлари топилиб, қайтариб берилгунига қадар мазкур шартнома ҳар йили йилнинг 15 декабригача қайта расмийлаштирилади.

**19.** Шартнома тузилгач васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси тутинган ота(она)дан боланинг ўлчамларидан келиб чиқиб расмийлаштирилган, “Оилага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал олиш учун буюртма”ни қабул қилиб олади.

**20.** Тошкент шаҳар *ХТББ бошлиғи* номига “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга берилган ота-она қарамоғисиз қолган болаларни *кийим-бош, пойабзал* билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган *тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақаси* берилиши”да амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилинади.

Ҳар йили қайта тузилган шартнома асосида вояга етмаганнинг ўлчамига тегишли маълумотлар янгилангач, шаҳар ХТББга юқоридаги 1-вазиятда келтирилган мазмунли хат билан қайта мурожаат этилади.

\*

Тутинган ота(она) томонидан шартнома шартларида кўрсатилган мажбуриятларга риоя қилиниши васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси томонидан қуйидагича тарзда назорат қилиб борилади:

- йилда камида 2 мартаба уйга ташриф буюриб, боланинг тарбияси, эҳтиёжлари қондирилиши ҳолати ҳамда болага тегишли мулкнинг сақланилиши ҳолатини ўрганиш орқали;
- ҳар йилнинг 10 январига қадар ўтган йили давомида давлат томонидан боланинг кийим-боши ва пойабзал сотиб олиш учун ажратилган пулларнинг мақсадли сарфланганлиги ҳақида ҳисобот олиш;
- ҳар йилнинг 10 январига қадар ўтган йили давомида боланинг тарбияси ва таълими ҳолати, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимояланиши ҳамда боланинг таъминоти учун давлат томонидан ажратиладиган ҳар ойлик ижтимоий нафақа пулларининг бола эҳтиёжлари йўлида сарф этилиши ҳақидаги ҳисобот олиш.

Васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси тутинган ота(она)дан юқорида кўрсатилганидек боланинг таъминоти учун давлат томонидан берилган ижтимоий нафақа ҳамда кийим-бош ва пойабзал учун маблағнинг сарфланиши юзасидан қонунда ўрнатилган тартибда ҳисобот олиши муҳим.

“Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-иловасида келтирилган намуна бўйича ҳар йили куйидаги ҳисобот тутинган ота(она) томонидан ХТБ туман (шаҳар) бўлимига топширилиши лозим.

**Оилага тарбияга олинган бола учун 20\_\_ йилда сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича бериладиган Ҳисобот шакли**

<b>«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»</b>			
_____			
_____			
(халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудирининг Ф.И.О.)			
_____			
(имзо)			
20__ йил «__» _____			
<b>Оилага тарбияга олинган бола учун 20__ йилда сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҲИСОБОТ</b>			
Мен, _____, 20__ йил «__» _____ да			
(тутинган ота (она)нинг Ф.И.О.) _____ билан тузилган			
(васийлик ва ҳомийлик органининг номи) _____-сонли шартномага асосан вояга етмаган _____ ни			
(оилага тарбияга олинган боланинг Ф.И.О.) _____ оилага тарбияга олганман.			
Ҳисобот даврида тарбиямда бўлган _____ учун			
(оилага тарбияга олинган боланинг Ф.И.О.) _____ куйидаги кийим-бош ва пойабзалларни сотиб олдим.			
<b>Т/р</b>	<b>Кийим-бош ва пойабзалнинг тури</b>	<b>Сони (дона, жуфт, комплект)</b>	<b>Олинган кийим-бош ва пойабзалнинг нархи (сўм)</b>

	<b>(номи)</b>		
1.			
2.			
3.			
<p>Кийим-бош ва пойабзал сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (касса чеки ёхуд товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжатлар)ни илова қилинмоқда.</p>			
_____		_____	_____
(тутинган ота (она)нинг Ф.И.О.)		(имзо)	(сана)

Ҳисобот шаклида кўрсатилганидек унга илова қилиб, ҳаражатлар акс этган касса чеки ёхуд товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжатлар илова қилиниши шарт.

Туман (шаҳар) ХТБ васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси ташаббуси билан ўз навбатида мазкур ҳисоботни тегишли халқ таълими бошқармасига юборди.

\*

Агарда муайян вақт ўтиб, боланинг қариндошлари топилмагач, болани жойлаштириш шакли ўзгартирилиши зарурияти туғилганда (шартнома бекор қилинганда ёки тугатилганда), масалан, бола фарзандликка расмийлаштирилиши ёки Меҳрибонлик уйига жойлаштирилганда, тутинган бола ёки онанинг ўлими, ё бошқа вазиятларда васийлик ва ҳомийлик органи шаҳар ХТББ ни шартноманинг бекор қилинганлиги ёки тугатилганлигидан хабардор қилиши шарт. Бу мақсадда васийлик ва ҳомийлик органи томонидан шаҳар ХТББ бошлиғи номига шартноманинг тугатилиши ҳақида маълум қилиниб, вояга етмагани учун тўланаётган нафақа пулини тўхтатилиши сўраб хат билан мурожаат этилади.

***Тутинган оилага тарбия (патронат)га берилган бола учун тўланадиган нафақа пулини тўхтатилишини сўраб қилинадиган мурожаат хати намунаси***

*ХТМФМТТЭ бўлими бланкасида*

**Тошкент шаҳар халқ таълими  
Бош бошқармаси бошлиғи *Ф.И.Ш.га***

**Ҳурматли *ИШ!***

Олмазор туман ХТМФМТТЭ бўлими Сизга 2011 йил 12 сентябрида икки томонлама шартнома асосида Олмазор тумани ...кўчаси, ...-уй, ...-хонадонда истиқомат қилувчи *Ф.И.Ш.* оиласига тарбия (патронат)га берилган вояга етмаган 2011 йил 1 январиде туғилган *Ф.И.Ш.* Олмазор тумани ҳокимининг 2012 йил 2 декабридаги 111-сонли қарори билан фарзандликка берилаётгани муносабати билан вояга етмаган учун тўланаётган нафақа пулини тўхтатишингизни сўрайди.

**Туман ХТМФМТТЭ  
бўлими мудир:**

/муҳр, имзо/***Ф.И.Ш.***

**Туман ХТБўлими**  
**васийлик ва ҳомийлик органи:**

**/имзо/Ф.И.Ш.**